

---

## ФАРҒОНАДА АКМАЛ БУРХАНОВ ИШТИРОКИДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЮЗАСИДАН СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ

Бугун вилоят ҳокимлиги катта мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони мазмунини тушунтириш ва ижросини таъминлаш юзасидан семинар бўлиб ўтди.

Видеоселектор тарзида ташкил этилган семинарда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори Акмал Бурханов, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Авазбек Ўринбоев, вилоятдаги бошқарма ва ташкилотлар, муассаса ва корхоналар, маҳаллий ҳокимликлар масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

Семинарда агентлик директори сўнги тўрт йил давомида мамлакатимизда коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида 70 ортиқ қонун ва қонуности ҳужжатлари эълон қилингани, тегишли идоралар билан ҳамкорликда назорат тадбирлари ўтказилиб келинаётганлиги ҳамда агентликка бириктирилган ваколатлардан келиб чиқиб, маҳаллий ҳокимликлар, бошқарма ва ташкилотлар томонидан сарфланган маблағларнинг веб-сайтлардаги махсус рукнлар орқали доимий жойлаштириб борилиши белгиланганлигига алоҳида эътибор қаратди.

Шундан сўнг агентлик масъул ходимлари слайдлар орқали қабул қилинган ҳужжатнинг мазмун-моҳияти, қўйилган талаблар билан барча давлат органлари ва ташкилотлар томонидан Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати юзасидан тушунтиришлар бериб ўтишди.

Шунингдек, фармон ижроси бўйича бугунги кунда йўл қўйилиб келинган камчиликлар кўрсатилиб, уларни бартараф этиш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар бериб ўтилди.

---

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube

2022-02-09 21:30:11